

ЎЗБЕКИСТОН МОЙЛИ ВА ТОЛАЛИ ЭКИНЛАР ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ АТРОФИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Фахрутдинова М., Мирахматова Д., Хаидмухамедова З.
ЎЗМУ

Суғориб деҳқончилик қилинадиган экин ерларининг қарийиб яримидан кўп фойзини гидроморф типдаги–ўтлоқи аллювиал тупроқлар ташкил қилади. Асосан бу тупроқлар бўз тупроқлар ҳамда чўл тупроқлар минтақасида тарқалган. Ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг катта қисми чўл минтақасида жойлашган. Бўз ва чўл минтақасида тарқалган ўтлоқи аллювиал тупроқлар бир-биридан келиб чиқиши, ривожланиши, генезиси, морфологик тузилиши, кимёвий ва физикавий хосса ва хусусиятлари билан бир-бирдан сезиларли фарқланади.

Умуман аллювиал тупроқларнинг шаклланишида табиий омилларнинг юқорида қайд этилгандек жумладан иқлим, тупроқ пайдо қилувчи она жинс, антропоген омил, рельеф ва жойнинг гидрогеологик шароитига айниқса сизот сувлари сатҳи ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Дарё водийларида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни асосан ўша ҳудуднинг геологик, геоморфологик, минералогик, ва иқлим шароитлари таъсирида, ўзига хос хосса ва хусусиятларга эга бўлади. Турли тупроқ типининг ривожланишида мунтазам равишда айрим омилларнинг таъсири кучли бўлади.

Аллювиал тупроқлар эволюциясини Қорасув дарёсининг ўрта оқими оралигидаги қисмида бир қанча босқичлардан ташкил топганлигини Л.Турсунов (2010) да янги соф аллювий дарё сохилларида тоза қум ёки шағал-қум шаклида бўлади, дарё сувларининг мавсумий чекиниши натижасида қолган шағал қумлар, ярим чириган ва янги ўсимлик қолдиқлари учрайди, 1-2 йил дарё суви таъсирида бўлмаган шағал, тош, қум аралашма сув ўтлари уларнинг аралашмалари, мох ва лишайниклар билан қопланган аллювий буни бошқача қилиб бирламчи аллювиал тупроқ ҳосил бўлиш жараёнининг бошлангич нуктаси деб номлаган ҳамда тош шағаллар юзаси майда қумли –лойли мелкозёмлар билан қопланган, ўт ўсимликларга бой, жийда, терак, турли буталар ва ўт ўсимликлар билан қопланади ва кичик чимли қатламларни ҳосил қилади. Бундай ҳолатларда қорамтир рангли, донадор юмшоқ чимли қатлам мавжуд тўқай-ўтлоқи аллювиал тупроқлар юзага келади. Дарё узанларининг ботик бўлган жойларида ботқоқ ва ботқоқ - ўтлоқи аллювиал тупроқлар ривожланади. Ҳосил бўлишига келиб чиқишига бу тупроқларнинг ўзига хос бўлган морфолитогенетик қатламлар шаклланади деб кўрсатилган.

Тошкент вилоятининг Юқори, ўрта ва қуйи Чирчиқ туманларининг катта қисмида тадқиқот олиб борилаётган аллювиал тупроқлар

тарқалган. Бу тупроқлар Келес, Чирчиқ, Пскент, Қорасув, Ангрен каби кўпгина дарёлар ва дарёчалар водийларида шаклланади. Бу ҳудудларда ботқоқ-ўтлоқи, тўқай-ўтлоқи, ўтлоқи-аллювиал, гидроморф типдаги тупроқлар типчалари ҳосил бўлади. Ўтлоқи аллювиал тупроқлар географияси, генезиси ва эволюцияси бевосита Чирчиқ-Ангрен дарёларининг фаолияти билан боғлиқдир.

Дарё ўзанининг Чирчиқ-Қорасув дарёларининг биринчи зина поясида тўқай ботқоқ, ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар бу ерда қамиш, қўвға, юлғун ҳамда хилма-хил сув ўтлари, шамай, саломалейкум каби ўтли (бегона) ўсимликлари ўсади. Тадқиқот олиб борилаётган тажриба станция учун хос бўлган аллювиал тупроқлар иккинчи зина поясида жойлашган. Маълумки бошқа она жинсларга нисбатан аллювиал ётқизикларнинг морфологик тузилиши бироз мураккаб бўлиб, кум, шағал, лойқа-шағал, шағал-кум, кум-лойқа ва ҳоказолардан ташкил топган. Бундай морфологик хилма-хиллик асосан Қорасув дарёси сувининг оқиш тезлиги, унинг ҳажми, бошқа дарёларга нисбатан лойқалилиги билан бевосита боғлиқ бўлади. Сизот сувлари тажриба олиб борилаётган ҳудудида, асосан 1,5-2,5 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, кўриниши лойқа бўлса ҳам таъми ширин дарё ҳисобланади.

Сернам бўлган йилларда дарё сувларининг кўтарилиши таъсирида сизот сувлари ҳам юқорига кўтарилади. Бу ходисани рельефи пастқам бўлган жойларда жуда кўзга ташнарали ҳолда кузатиш мумкин. Агар ботқоқлик ҳосил бўлган бўлса у ҳолда қамиш ва қиёқ ўсимликлари ўсиши кузатилади. Ёз мавсумида бу сизот сувлари аста секин пастга тушади.

Тупроқларнинг ранги қорамтир, баъзан зангори ҳаворанг товланувчи ярим торфлашган 5-15 см қалинликдаги глейли берч қатламлар ҳосил бўлади. Бу қатлам берч, чангли-кум, кум-лойқали, ранги қорамтир зангори, кўп шағал-тошлар аралашган унча қалин бўлмаган (10-15 см) қатламдан иборат. Тўла морфологик генетик қатлам фақатгина ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ҳосил бўлади. Бу тупроқларнинг ҳаммасини суғоришга жалб килинганлиги сабабли юқорида қатламлари батамом йўқолиб, унинг ўрнига ҳайдалма қатлам вужудга келади. A_x (ҳайдалма) қатлам одатда 25-35 см. чуқурликда бўлиб, ранги тўқ бўз, бироз кулранг товланувчи, асосан ўрта ва оғир кумоқли, яхши агрегатланган, серғовакли, сувга чидамли агрегатларнинг кўп бўлади. Бу қатлам остида ранг янада тўқроқ (сизот сувларини ҳисобига), оғир кумоқли, яхши агрегатланган, зичлиги юқори қатламга нисбатан анча юқори, ҳайвонот дунёси фаолияти сезиларли бўлган, карбонатлар ва бошқа туз бирикмаларини сақламайдиган - A_{xo} (ҳайдалма ости) берч қатлами учрайди.

Инсон деҳқончилик қилиши учун ерга уруғ экиши учун уни ҳайдайди, ишлов беради, суғоради шу сабабдан ернинг устки қисми

юмшайди, ҳайдалма ости берч қатлами эса ҳайдов асбоблари (машиналари) таъсирида зичлашади, ил заррачаларнинг миқдори ортади.

Ўтлоқи аллювиал тупроқлар бўз тупроқлар ҳамда чўл минтақаси тупроқлари орасида сергумусли унумдор тупроқлар қаторига киради. Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда бу тупроқларда гумус моддасининг камайиши, сувга чидамли агрегатларнинг камлиги, техноген ва кимёвий ифлослананиши натижасида тупроқларнинг унумдорлик қобилиятини камайишига олиб келмоқда. Тадқиқот олиб борилаётган тажриба станциясида тарқалган тупроқларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, морфологияси, хосса ва хусусиятларини ҳар томанлама ўрганиш билан асосида уларнинг унумдорлигини бошқариш муаммолари тўғрисида тавсияларни бериш жуда катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Л. Турсунов, И. Анарбоев, Ш. Мингбоев - Аллювиал тупроқлар. Тошкент, 2010 й.
2. Мойли ва толали экинларни етиштириш истиқболлари ва уларнинг махсулдорлигини ошириш масалалари. Республика илмий амалий анжумани маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. 18-23 б. Тошкент -2010